

Ҳилола БЕГИМ

БАҲОР НАФАСИ

Шеърлар

«Фарғона» - 2008 йил

84(59)6

Чортоқ – шоирлар, ёзувчилар ва журналистлар юрти эканини пойтахтда қалам сураётган ижодкорлар ҳам яхши билади. Тўра МИРЗО, Боқий МИРЗО, Носиржон ДЕҲҚОНОВ, Оташ ХОЛМИРЗАЕВ, Маҳмуджон ПАРПИЕВ Темур БЕК, Жўра РАҲИМ, Муҳаммад ВАЛИ, Рустамжон УММАТОВ каби кўплаб ижодкорлар борки, юрт довругини мамлакатга ёймоқда. Бугун улар сафига кўплаб ёшлар қўшилмоқда. Улардан бири Ҳилола БЕГИМ (Ҳилола Шарипова) ҳам жуда кичкиналигидан қаламга ошно. Чортоқ Педагогика коллежи Ҳулкар Сулаймоновадек Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибасини етиштириб берган эди. Бу аҳил ва салоҳиятли жамоа яна бир ижодкор қизимизга сунчиқ бўлаётганидан хурсандмиз.

2008/52	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Respublikasi
34624	

Ю 34585
0

Баҳор нафаси
Ҳилола Бегим.

«Фарғона» нашриёти, 2008, 24 бет.

ВАТАН

Ватан инсон учун энг буюк неъмат,
Ватан бор, умрни безаб турар бахт.
Кўзларингга зиё, руҳингга мадад,
Фарзандлар қалбини тарк этмагай шаҳд..

О, қандай муборақ бу она Ватан,
Дунёда тенги йўқ ягона Ватан.
Уни деб Чўлпонлар, Усмон Носирлар
Жонни фидо қилди мардона, Ватан.

Вужудим ичра жон мадорим, Ватан,
Дунёга алишмас диёрим, Ватан.
Номинг дунёдаги энг ширин калом,
Сенга таъзим, юртим, сенга эҳтиром.

Оҳ, қандай азизсан Ўзбекистоним,
Ғариблар қалбининг оҳисан, Ватан,
Мени улғайтирган қутлуғ маконим
Инсоннинг суянган тоғисан, Ватан.



ОНАЖОНИМГА

Бу ёруғ дунёга келгандан бери,
Иссиқ бағрингиздан изладим паноҳ.
Тоза меҳрингизга қониб улғайдим,
Бахтиёр нигоҳим барига гувоҳ.

Сиз бор - ҳаётимга армон бегона,
Сиз бор - атрофимга келолмас душман.
Дард чексам биринчи куярим - она,
Тиконим суғурар киприги билан.

Кўксини тутади содиқ, мардона,
Мен томон отилган барча тошларга.
Интизор бахтиёр тонгларим кутар,
Ҳамиша сиғиниб чўнг бардошларга.

Меҳнату машаққат, гоҳо изтироб
Оддий ҳаётини тарк этмас бир зум.
Барчасин ўтказиб, ошириб яшар,
Дили равшан турар, кўзда табассум..

Фарзанд қувончидан бахтин излаган,
Барчага ширинсўз, шоира онам.
Қадди букилса ҳам руҳи адл, тик,
Оламда беқиёс меҳрибонгинам.

Оллоҳим умрингиз зиёда қилсин,
Дилингиз доимо қувончга тўлсин.
Эзгу орзуйингиз руёбга чиқсин,
Истагим, кўзингиз ҳеч нам кўрмасин.

Меҳрга сардорим, соддадилгинам,
Сиз хурсанд бўлсангиз, севинар олам.
Суянган тоғингиз бўлайлик сизга,
Дунёлар тургунча бор бўлинг, онам!.

БАҲОР ТАРОВАТИ

Мовий кўл узра ёмғир,
Аста-аста томчилар.
Хуш сабо елар ғир-ғир,
Қай томонга шошилар?

Дилни тортар манзара,
Кўл юзида инжу зар.
Юз очганда оқшомлар,
Ойга сингил нилуфар.

Қирлар тўла лолазор
Тебранар аста-аста.
Жилмайиб турар баҳор,
Кучоғида гулдаста.

Кўҳна гўзал водийни
Безар гулу лолалар.
Меҳнаткаш, фидойини
Чорлар интиқ далалар.

Замин бошида порлаб,
Баҳорий офтоб ёнар.
Куйга ошно кўнгиллар,
Гўзалликдан қувонар.



Кўнглим тонглар мисоли тиниқ,
Офтоб чехранг хуш дийдоридан.
Гул юзингга кулгу ярашар,
Хабаринг йўқ қалбим зоридан.

Яноқларинг лолақизғалдоқ,
Оразингга ярашган қошлар.
Йўлларингга нигоҳим муштоқ,
Мафтун этар ўтли қарашлар.

Соғинч бўлиб яшайсан дилда,
Оҳулардай нозли нигоҳинг.
Сочларингни силар хуш сабо,
Қайга элтар гулгун хаёлинг?.

Сен севинсанг мен ҳам бахтиёр,
Кулгуларга тўлар юзларим.
Оламларда тенгсизим гулёр,
Исминг айтиб урар юрагим.

Рад этмагин кўнгил розини,
Сочларингга тақай оқ гуллар.
Чалиб муҳаббатнинг созини,
Айрилмасин ошуфта диллар.

ДИЙДОР СОҒИНЧИ

Хаёлларим нурга буркайди,
Шайдо этди ёрнинг сийрати,
Кўз олдимда турар ҳамиша
Фариштага ўхшаш сурати.

Ғам-ташвишдан йироқман, йироқ,
Ҳаяжондан ўйнайди юрак,
Чуғурлашиб учган қушчалар
Дийдоридан бергандай дарак.

Гоҳо зимдан боқаман унга,
Кузатаман лабимда кулгу.
Севгим Аршга чиқариб қўйган,
Юрагимда бир ширин туйғу.

Лек ишқимдан беҳабар у ёр,
Тушунмайди дардимни биров.
Муҳаббатим ичимда пинҳон,
Ичимда ўт ёнади лов-лов.

Гўзал ёрни унутолмайман,
Эртаю кеч хаёлимда у.
Латофатли чеҳраси ҳамон
Менинг тиниқ севгимга кўзгу.

СЕВГИ – ДЎСТИМ

Хумор-хумор кўзларинг
Эслаб дилдан ёнаман,
Висолингни туш кўриб,
Энтикиб уйғонаман.

Соғинаман беадо,
Руҳим синар фироқдан,
Дардим тинглар сирдош йўқ,
Макон топдинг йироқдан,

Сенсиз, сенинг васлингсиз,
Яшаш менга бегона.
Хаёлларим паришон,
Ўзим мисли девона.

Айрилиқ бағрим ёқар,
Қайғу дилни тарк этмас,
Жавобсиз муҳаббатнинг
Заҳри дилимдан кетмас.

Орзулар учиб кетди,
Тақдирда бахт йўқмикин?
Юрагимни титратган
Армонмикин, чўғмикин?

Йўлларингда интизор
Чекар эдим изтироб,
Қўл бериб қўлларингга.
Талпинганларим сароб.

Аммо севгим умрбод
Юрагимда яшайди.
Чунки менинг энг содиқ
Дўстларимга ўхшайди.

ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ

Паричеҳра ўзбегимнинг қизлари,
Юрагида тиниқ булоқ сўзлари.
Ибо билан ёнар лола юзлари,
Юрт гавҳари - ўзбегимнинг қизлари.

Бу дунёда сиздек гўзал қиз борми?
Кўзи шаҳло, сўзи асал қиз борми?
Жасорати юртга масал қиз борми?
Юрт гавҳари – ўзбегимнинг қизлари.

Садоқатда, малоҳатда биттасиз,
Меҳнатда ҳам матонатда биттасиз.
Кўнглим олган назокатда биттасиз,
Юрт гавҳари – ўзбегимнинг қизлари!



СОҒИНЧ

Кунлар ўтди сени соғиниб,
Рухсорингни бир кўргим келди.
Айрилиқдан кўнглим оғриниб,
Ҳижронларим сабримни енгди.

Юрагимда ширин ҳаяжон,
Бир кўрмоққа ошуфта нигоҳ.
Учрашганда сени ногаҳон,
Вужудимни титратади оҳ.

Гулшанингда гул бўла олсам,
Менга боқиб қувонсанг, кулсанг.
Айвонингга ой бўлиб боқсам,
Шўх сирлашиб кўнглингни ёрсанг.

Сенга бўлган севгим беғубор,
Гўзал туйғу безар умримни.
Танлаганим сен кўзи хумор,
Чўқтирмагин ошиқ кўнглимни.



ТҮЙИНГДА (Йигит тилидан)

Ҳамма ўйнар, ҳамма шод,
Берилгандир базмга,
Қўшиқ тинглар гоҳида,
Гоҳ берилар назмга.

Мен-чи, дилда ғам-алам,
Кирилмайман тўйингга.
Аччиқма-аччиқа ҳам
Тушолмайман ўйинга.

Табриклайди дўстларинг
Куёвинг билан сени.
Бахт тилаган чоғида
Мен йўқотдим толени.

Ёнингдаги куёвга
Ҳавасим келар гоҳо.
Лекин ичим ўртанар –
Ҳасадим келар гоҳо.

Сарвқомат дилбарим,
Лов-лов ёндим кўйингда,
Юракларим тирналар,
Энди бугун тўйингда.

Унутолмам сира ҳам
Сочларингнинг исини.
Сўнги нафасимда ҳам,
Такрорлайман исмингни.

Сенга аталган “ёр-ёр”,
Садоси дилим ззар.
Муҳаббатнинг кўчасида
Менинг оҳларим кезар....

ЙИГИТ ИШҚИ

Гул-гул ёниб ёрим келар саллона,
Нигоҳ ташлаб қоламан ошиқона,
Билмади кўйида бўлдим девона,
Дил азобин кўзимдан ёр сезмади.

Кўнглимга рашк оловини ёқади,
Дили менда, бошқаларга боқади.
Туйғуларим дарё бўлиб оқади,
Дил азобин кўзимдан ёр сезмади.

Эртаю кеч кўзим тикиб йўлига,
Гулларимни туюлмадим қўлига.
У бепарво қарамай ўнг сўлига,
Дил азобин кўзимдан ёр сезмади.

Ҳаловатим ўғирлаган кўзлари,
Дилга ором берар ширин сўзлари,
Нақш олмадай қирмизи ой юзлари,
Дил азобин кўзимдан ёр сезмади.



БАҲОР НАФАСИ

Она замин бағрига чечаклар қадаб,
Қирлар жамолига бағишлаб чирой,
Чарх урар гўзаллик мадҳини куйлаб
Фасллар эркаси, гўзал баҳорой!

Тоғлар этагида алвон лолозор,
Кўкларни қутлайди қушлар жилвакор,
Сойларда сув бўлиб оқар оппоқ қор,
Фасллар эркаси, гўзал баҳорой!

Қошига ўсмалар қўяди қизлар,
Сочларига баргак тақар гулюзлар,
Хушбўй сасинг келар кеча-кундузлар,
Фасллар эркаси, гўзал баҳорой!

Ёмғир ёғар элнинг ризқу рўзидай,
Бошимизда товланади камалак,
Дошқозонда пишар тотли сумалак,
Фасллар эркаси, гўзал баҳорой!



ЎЗБЕК ҚИЗИ

Шоҳи рўмол ярашади бошига,
Ўсма қўяр пиликдаин қошига,
Мингта ошиқ осилади сочига,
Таърифларга сигмас ўзбек қизлари!

Элу юрти кўрсам дейди камолин,
Тўлин ойга қиёс этгум жамолин,
Яхши ният банд айлағай хаёлин,
Таърифларга сигмас ўзбек қизлари!

Тонгда келса мастона гулзорига,
Бўй таратар хушрўй сада райҳонлар.
Булбул қўниб атиргул бутогига,
Чиройига куйлар ғазал, дostonлар.

Бегим дея эркалайди суйганин,
Бахт деганда жонни фидо этади.
Яхши ният унинг доим йўлдоши,
Шунинг учун орзусига етади.

ИЗТИРОБ

Қир – адирда гуллола,
Боқиб тўймас кўзларим.
Дилимдан чиқар нола
Ёрга етмас сўзларим.

Усиз ҳаёт беқадр,
Армонларим ўртар жон.
Қувончларим йўқолган,
Тушунмайди бегумон.

Ошиқ аҳли ғамбода,
Ишқ кўксини тиглайди.
Мен сенга алдандимми?
Юрак ҳамон йиглайди.

Мафтун бўлиб ҳуснингга,
Ҳижрон захрин ютардим.
Хаёлингга яшасам,
Қўлингга жон тутардим.

Афсус, қадрим билмадинг,
Бевафога не жазо?
Меҳрим тополмай бир кун,
Ишқ ичра бўлгин гадо!

НАМАНГАН

Бағри гулзор, бағри боғ,
Гулга маскан, Наманган.
Қўли гул халқ қўлида
Бўлдинг чаман, Наманган.

Одамларинг бағри кенг,
Азим шаҳрим Наманган.
Тароват сочиб ҳар ён
Оққан наҳрим, Наманган.

Қучоғингда ҳамиша
Ёшларнинг бахти кулган.
Истиқлол мевалари –
Баҳордай шаҳди кулган.

Бағри гулзор, бағри боғ,
Гулга маскан Наманган,
Қўли гул халқ қўлида
Бўлдинг чаман, Наманган.




ҲУР ДИЁРИМ

Фарзандларинг улуғлайди номингни,
Ҳизр назар қилган она диёрим.
Биз ёмон кўзлардан сени асраймиз,
Бахти бутун бўлган она диёрим.

Болажон халқимнинг бағрида эркин
Ўсиб-улғаймоқда нурли келажак.
Шод айлашиб боболарнинг пок руҳин
Буюк келажакка албат етажак.

Бахтиёрман бағрингда, ҳур диёрим,
Боболар орзуси бу кун ушалмиш.
Истиқлол йўлида жон фидо этган
Аждодларнинг руҳи юксалмиш.

Бахтиёрман бағрингда, ҳур диёрим,
Фаровонлик, тинчлик бизла доимо.
Аму билан Сирдек жўшар шодлигим,
Бошимда бахт тилаб учади Ҳумо!



ВАТАНИМГА ДИЛБАНДМАН

Кўклам ўнгу сўлимда,
Қуёш чақнар йўлимда,
Бахт қуши бор қўлимда
Мен бахтиёр фарзандман,
Ватанимга дилбандман.

Жаранглаб кетар созим,
Қувноқ ўтар қиш-ёзим,
Дунё тинглар овозим,
Мен бахтиёр фарзандман,
Ватанимга дилбандман.

Янграйверсин шўх наво,
Қулоқ тутсин ер-само,
Тинчлик улуғ муддао,
Мен бахтиёр фарзандман,
Ватанимга дилбандман.



СЕВГИМ ЯШАЙДИ

Қароғим тиндирар қошинг қораси,
Сендан малҳам истар қалбим яраси,
Висолга аталган шеърим сараси,
Юрагимда доим севгим яшайди.

Тангридан сўрайман бахту толени,
Ширин хотиралар азоблар мени,
Кўнглим унутолмай қийналар сени,
Юрагимда доим севгим яшайди.

Кутмасман, интизор бўлса-да, қалбим,
Изтиробларга ёр бўлса-да, қалбим,
Васлинг гадоси – хор бўлса-да, қалбим,
Юрагимда доим севги яшайди.



БАҲОР КЕЛДИ

Баҳор келди чучмомалар очилди,
Далаларга ҳавас билан қарайман,
Ялпиз ҳиди дунёларга сочилди,
Энди яхши шеър ёзишга ярайман.

Боғларимда бодом гули ораста,
Дарёларим жўшқин қўшиқ куйлайди.
Қалдирғочлар чуғурлашиб айвонда,
Гўзалликдан, муҳаббатдан сўйлайди.

Бу ҳаётни севмай яшаш мумкинмас,
Ҳар юракда севинч, баҳор нафаси,
Қучоғимга орзу тўлар, ўй тўлар,
Одамларнинг менга келсин ҳаваси.

Баҳор – асли мен қидирган гўзаллик,
Тонгда тоза ҳавосига тўймайман.
Хуш келибсан, гўзал илҳом париси,
Энди сендан бошқасини сўймайман!.



ЁШЛИК

Ёшлик навқирондир, ёшлик бир қуёш,
Ҳаётим боғида порлар рахшона.
Илмга интилиб, зиё излаган,
Тақдир синовидан ўтар мардона.,

Юрагида қайнаб турар ғайрати,
Билагида паҳлавонлар қуввати,
Орзулари ёруғ манзилни кўзлар,
Ҳароратда тенги йўқ муҳаббати.

Ёшлик нигоҳида олам чароғон,
Энг гўзал онларни этар армуғон,
Умрнинг ҳар дами илоҳий баёт,
Қадамлари теккан йўллар нурафшон.

Фақат яхши йўлга етаклар меҳнат,
У буюк ишларга этади даъват,
Ёшлик – олтин давр, муаззам давр,
Валекин ҳар дами, билсанг ғанимат.

Тута олсам ёшлик қўлидан маҳкам,
Бўлсайди доимо йўлимда ҳамдам,
Унинг шижоати дилда яшаса,
Бир умр мен учун бўлмас ғам-алам.

СОҒЛОМ АВЛОДМИЗ

Бизлар соғлом авлодмиз,
Келажакнинг иқболи,
Чаман ичра ягона,
Она-ватан камоли.

Биз кулсак кулар олам,
Шодликка тўлар дунё.
Буюк истиқболни биз
Ўсиб этамиз бунёд.



МУНДАРИЖА

Ватан.....	3
Онажонимга.....	4
Баҳор таровати.....	5
Кўнглим.....	6
Дийдор соғинчи.....	7
Севги – дўстим.....	8
Ўзбек қизлари.....	9
Соғинч.....	10
Тўйингда.....	11
Йигит ишқи.....	12
Баҳор нафаси.....	13
Ўзбек қизи.....	14
Изтироб.....	15
Наманган.....	16
Хур диёрим.....	17
Ватанимга дилбандман.....	18
Севгим яшайди.....	19
Баҳор келди.....	20
Ёшлик.....	21
Соғлом авлодмиз.....	22

Муаллиф ушбу тўпламнинг нашр этилишида чин дилдан моддий қўмак берган Чортоқ Педагогика коллежи жамоаси ва унинг фидоий раҳбари Зокиржон ака Раҳимовга чуқур миннатдорчилик билдиради.

Ҳилола Бегим
Баҳор нафаси
Шеърлар

Муҳаррир: Боқий Мирзо
Техмуҳаррир: Н.Жабборов
Мусахҳиҳ: М.Эргашева

04. 04. 2008 йилда теришга берилди. 02.05.2008 йилда босишга рухсат этилди. Бичими 60x84. Офсет усулида оқ қоғозга босилди. 1,5 босма табоқ. Адади 1000 нусха. 864-буйуртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

*«Фарғона» нашриёти. 712014. Фарғона шаҳри, Соҳибқирон
Темур кўчаси, 28-уй.*

.....
*«Ибрат номли босмаҳона» ОАЖ (Наманган шаҳри,
Навоий кўчаси, 36-уй) да чоп этилди.*